

1. Тарихий синтаксис хакида маълумот.
2. Сўз бирикмаси.
3. Гап бўлаклари.

Қадимги туркий тил ва сўнгги даврлар тилининг синтактик тузилиши билан ҳозирги замон тили синтактик тузилишини қиёслаб эканмиш, ўзбек тили синтаксисда ҳам жиддий ўзгаришлар бўлганини қўриш мумкин. Шуниси характерлики, синтаксисдаги ўзгаришлар кўпинча морфология ва лексикада бўлган ўзгаришлар туфайли бўлиб берган. Масалан, восита келишигининг истеъмолдан чиқиши сўзларнинг бошқарув муносабатини ўзгартиради ва ҳол доирасини кенгайтиради.

Синтаксис тараккиётидаги иккинчи омил- бошқа тилларнинг таъсиридир. Тарихда ўзбек тилига айниқса форс-тожик тилининг таъсири сезиларли бўлган. Бу тилнинг таъсири билан янги сўз бирикмалари, эргаш гаплар вужудга келди.

Маълумки, сўз бирикмалари иккига бўлинади: тобе бирикмалар, тенг бирикмалар. Тенг бирикмаларда сўзлар ўзаро тенг муносабатга киришса, тобе бирикмаларда сўзлар ўзаро тобе-ҳоким муносабати орқали боғланади.

Тобе бирикма таркибидаги бош ва эргаш сўзлар қандай воситалар билан боғланишига қараб, уч турга бўлинади: бошқарув, мослашув, битишув.

Бошқарув муносабатида эргаш сўз бош сўзнинг талаби билан бирор грамматик формада шаклланади. Бошқарувнинг икки тури мавжуд: келишликли бошқарув ва кўмакчили бошқарув. Келишликли бошқарувда бош сўз ва эргаш сўз ўзаро тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги ёрдамида боғланади. Кўмакчили бошқарувда бош сўз билан эргаш сўз кўмакчилар ёрдамида муносабатга киришади: Вўхм билў уйганиб, кўхинлўрни тилўб, бу тўшни| тўъбирини тилўди (Навоий НМ). Вў бир аз фурсатдын со|ра мўлики Рўйан хам аламдын чыкты (Навоий НМ).

Мослашувли бирикмада бош сўз билан эргаш сўз шахс-сонда ўзаро мос бўлади. Улар ўзаро қараткич келишиги ёрдамида боғланади: ...ул наваҳини| черики билў..(БН). Мени| ганимим корганда эди (БН).

Битишув муносабатига қирган сўзлар фақат оханг ёрдами билан боғланади. Бундай муносабат сифат билан от, сон билан от, олмош билан от ўртасида бўлади: Бу тўшқни тешиб, ул сувни ичўдўрлўр (БН). Оттыз-қырк бўрг шўхыны| мчидў бир йердин-ок ирикрўк пўнжў урадур (БН).

Изофа. Изофа икки отнинг аникловчилик муносабатига киришувидир. Изофа араб ва форс тилларига хос бўлиб, туркий тиллардаги мослашувли бирикманинг ўзидир. Ўзбек тили лексикасининг жуда катта қисмини араб ва форс сўзлари ташкил этгани учун бу тиллардан изофий бирикмалар ҳам жуда кўплаб ўзлашган. Мисоллар: Хаки пай, аби хайван (Лутфий), гунчайи хандан, булбули бостан (Хоразмий), шайхул ислом, Вў хазрат Шайхны| «Махзанул асрар»ига жаваб айтыбтур (Навоий, МН). Араб ва форс тилларидаги аникловчи-аникланмишнинг жойлашуви билан ўзбек тилидаги аникловчи-аникланмишнинг ўринлашуви ўртасида жиддий фарқ мавжуд. Араб ва форс тилларида аввал аникланмиш кейин аникловчи келса, ўзбек тилида аввал аникловчи сўнг аникланмиш келади.

Гап бўлаклари. Маълумки, гап бўлаклари гапни ташкил қилувчи сўз шакллари, бирикмалари ва бошқа синтактик бирликларнинг таркибий ва маъно хусусиятларига

кўра фаркланади. Бунда таркибий хусусият тушунчаси гап бўлақларининг ифодаланиши, уларнинг гапдаги бошка синтактик ходисалар билан боғланишива синтактик мавке тушунчаларини ўзида бирлаштиради, улар маълум бир маънони ташишга хизмат қилади. Бош бўлақлар. Маълумки, эга фикр объектини, нутк предметини кўрсатувчи бош бўлақдир. Анъанавий тилшуносликда гапнинг хоким бўлаги эга деб эътироф этилади. «Эга икки составли гапнинг бош бўлақларидан биридир: у хоким составнинг грамматик маркази, шу составдаги бўлақларга, шунингдек, тобе составдаги бош бўлақка – кесимга ҳам хокимдир. Эга абсолют хоким холатдаги бўлақдир. У гапдаги фикр, хукм ўзига қаратилган предметнинг – нутк предметининг номидир. Эга харакатни бажарувчи ё қабул қилувчи шахсдир ёки кесим ифодалаган холат, ё белги қарашли предмет» (Гуломова А., Аскарлова М. Хозирги замон ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1987, 77). Кейинги йилларда гапнинг шаклий томони билан бир қаторда, унинг мазмуний томонини ўрганишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда, яъни тилшуносликда мазмуний синтаксис деган янги йўналиш юзага келди. Бу борада А.Бердиалиев, Р.Сайфуллаева, А.Нурмонов, Н.Махмудов, А.Ахмедов, С.Солихўжаева, М.Абузалова ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш жоиз. Бу тадқиқотларда гапнинг бош бўлақлари хусусида ҳам янги қарашлар пайдо бўлди. Бу, айниқса, Н.Махмудов, А.Нурмонов, М.Абузаловаларнинг ишларида ўз ифодасини топди. Бу қараш бўйича ўзида предикативликни акс эттирадиган, гапни уюштирувчи ва шакллантирувчи бўлақ кесимдир. Кесим гапнинг марказий бўлаги бўлганлигидан бутун тавсифи – грамматик категориялари: тасдик-инкорлик, шахс, замон, коммуникатив мақсад ва хоказолар кесимга қараб белгиланади. Кесим гап қурилишида уюштирувчилик родини ўйнайди. Тўғри, кесим хақидаги бундай фикр-мулохазалар анъанавий тилшуносликда ҳам бор. Жумладан, А.Гуломов шундай ёзади: «Кесим эга билан ўзаро боғланган бўлиб, гапнинг уюштирувчи марказларидан биридир: у хукмни ифодаловчи, гапнинг асосий белгиларини (модаллик, замон ва шахсни) – предикативликни кўрсатувчи энг муҳим бўлақ бўлганлигидан гапнинг мазмунини, структурасини, характерини белгилашда катта роль ўйнайди, эга нутк предметини-темани (гапнинг нима тўғрисида боришинигина) билдиради, шу ҳақда нима дейилишини, хабарни, характеристикани кесим билдиради» (Гуломов А., Аскарлова М. Хозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Т., 1987, 84). Олим хатто кесимнинг гапдаги энг зарурий бўлақ эканлигини эътироф этади. Гапнинг шаклланишида кесим муҳим роль ўйнашини айтади: «Гапни майдонга келтириш, фикрни ифодалаш жихатидан кесимнинг гапдаги ахамияти жуда каттадир: у коммуникацияда (алоқа – аралашув, хабар беришда) асосий вазифани бажаради. Гапда кесимнинг айрим бўлақ сифатида ифодаланмай қолиши кучли сезилиб туради. Демак, гап тушунчаси кесим тушунчаси билан жуда зич боғлангандир. Предикатив алоканинг кўрсаткичлари, одатда, кесимда бўлади» (Гуломов А., Аскарлова М., юқоридаги асар, 1987, 84). Маълумки, гапнинг характерли белгиларидан бири предикативликдир. Демак, кесим предикатив алоканинг муҳим кўрсаткичи, гап тушунчаси билан жуда зич боғланган экан, у гапда хоким бўлақ ҳисобланиши керак.

Эга қуйидаги маъно хусусиятларини билдиради:

1. Харакат, холат ва белгини билдиради: Хамул беш-он қўндў абтар девананы бозаҳанада йана бир Ўзидек абтар бойныны чапыб Ўлдирди (Навоий, ХМ).
2. Иш-харакат объектини билдиради: Вазырга бу хабар йетишти (Навоий, ТМА).
3. Иш-харакатнинг ўрнини билдиради: Вў ул хазратны! мубарак мурқади Жам вилайатыда Харжуд қасабасыдадур (Навоий, МН).

4. Иш-харакат ёки белгининг пайтини билдиради: Вў Йалашны| замани беш йылдын жузвий Јксққдир (Навоий, ТМА).

Таркибига кўра эга содда ва мураккаб турларга бўлинади. Содда эга бир сўз шакли билан ифодаланади: Сахāват инсāнийат багыны| бārвар шажаридур (Навоий, МК). Мири мажлисдагы ахли мажлиска муттафйк болды (Навоий, МН).

Мураккаб эга бир неча сўзлар бирикмасидан иборат бўлади: Бу шеърга хазрат Махдуми Нуран жаваб айтыбтурлар (Навоий, МН).

Кесим гап таркибида мухим ўрин тутадиган бош бўлақдир, шунинг учун ҳам у содда гапларда эганинг кўлланишига нисбатан мукимдир (Кесим хакидаги янгича карашлар юкорида айтиб ўтилгани учун кайтариб ўтирмаймиз). Кесим ҳам худди эга каби содда ва мураккаб турларга бўлинади.

Содда кесим бир сўз шакли билан ифодаланади. Содда кесимлар кайси сўз туркуми билан ифодаланишига караб содда феъл кесим ва содда от кесимларга бўлинади.

Содда феъл кесимлар феъл, унинг сифатдош ва равишдош шакллари билан ифодаланади: Ва салтанатыны| замāнын хам мухталиф битибт̄рлўр (Навоий,ТМА).

Достлар достлар вафāсын асрагайлар (Навоий, НМ).

Содда от кесимлар феълдан бошка сўз туркумлари билан ифодаланади: Йалган айткучы гафлатдадур (Навоий, МК). Ул хам Андыжандындур (Навоий, МН).

Мураккаб кесимлар бир неча сўзлардан иборат бўлади. Улар ҳам содда кесимлар каби мураккаб феъл кесим ва мураккаб от кесимларга бўлинади.

Мураккаб феъл кесим адабиётларда составли кесим деб ҳам юритилади. Мураккаб феъл кесимлар асосан кўмакчи феълли сўз кўшилмасидан иборат бўлади: Ул дагы башкара алмады (Навоий, ТМА). Бундан ташкари, мустикал феъл+тўликсиз феъл кўшилмасидан хам мураккаб феъл кесимлар хосил килинган: Секиз мы| шāх ва шāхзāда хыдматын кылур эрди (Навоий, ТМА).

Мураккаб от кесимлар от+феъл ва от+боглама кўшилмаларидан иборат бўлади: Ва Шāмда аларга кЈп муридлар пайда болдылар (Навоий, Нас.мух.). Жамиъ дарвешлўр хāзыр эрдилўр (Навоий, Нас.мух.).

Эски ўзбек тилида хам худди хозирги ўзбек тилидагидек, от кесимлар таркибида -тур, -мен,-сиз,-биз каби кўшимча- боғламалар, эрди, эрмиш, бол, барур ва форс-тожик тилидаги хаст боғламсидан нусха кўчириш асосида вужудга келган бор сўз боғламалари кенг кўлланган.

Тўлдирувчи. Тўлдирувчи гапнинг узвий бўлақларидан бўлган иккинчи даражали бўлақдир. Тўлдирувчи учун асосан от ва олмош туркуми ифода ашёси бўлиб хизмат килади. У воситасиз ва воситали каби икки турга бўлинади.

Воситасиз тўлдирувчи тушум келишигидаги сўз билан ифодаланади. Улар куйидагича ифода ашёсига эга бўлади:

1. От билан ифодаланган: Бу залимлар мўлкни барбад бергмчидирлўр (Навоий, МК).
2. Отлашган сифат билан: Акыл бу тарыкны шиар кылмас ва йахшы-йаманны хак йараткандын артук-Јксққ билмўс (Навоий, МК).
3. Олмош билан: Жамикэ аны кЈрдилўр (Навоий, МК).
4. Феълнинг амалий шакллари билан: Ишлўри талай алганны таламак (Навоий,МК).

Воситали тўлдирувчилар харакат ўзига бевосита ўтган предметни эмас, балки харакатга бошка бирор йўл билан боғланган предметни кўрсатади ва улар келишликли ва кўмакчили сўз шакллари билан ифодаланади. Воситали тўлдирувчилар куйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. От билан: Рустамга жахан палванлыг лакабы бериб, сипахсалар кылды (Навоий, ТМА).
2. Олмош билан: ўлўрдў бу хасад даим бар эрди (Навоий, ТМА).
3. Отлашган сифат билан: Туркий вў фарсийда табъи йахшы тасарруф кылур (Навоий, МН).
4. Сон билан: Агарчи бу маъни иккўлэсигэ кабихдур, амма эрўнлўргў кўпрўк мужиби тафзихдур (Навоий, МК)
Кўмакчили сўз шакллари билан ифодаланган тўлдирувчилар хам эски ўзбек тилида кенг кўлланган: Кўпрўк авкāt Жайхун кырагында болуб, атрак билў урушуб йрр эрди (Навоий, ТМА).

Аникловчи. Аникловчилар хам маъно хусусиятига кўра икки гурухга бўлинади: сифатловчи аникловчи ва караткич аникловчи.

Сифатловчи аникловчилар бирор бўлакнинг белгисини билдириб, куйидагича ифодаланади:

1. Сифат билан: Бу сўлўк билў кўллий мақсадга йетибтурлар (Навоий, МК).
2. Олмош билан: Акыл бу тарыкны шиār кылмас (Навоий, МК).
3. От билан: Ва ул Мāний мусаввирны ва атбāын хужжат билў такфир кылыб, жазāларыга йеткўрди (Навоий, ТМА).
4. Сифатдош билан: Ва ул тўрт ай млк сурды ва барур млкни Жзўлўргў тапшурды (Навоий, ТМА).
5. Сон билан: Пādшāх ансыз бир айаг ичмўс эрди (Навоий, ТМА).
6. Равиш билан: Парвиз Мадайин тахтыга олтуруб, кўп мўмўликни хийта тасарруфыга кийкўрди (Навоий, ТМА).

Караткич аникловчилар куйидагича ифодаланган:

1. От билан: Пахлавāн Кāтиб хам ул хазратны| ашъāру мусаннафāтын китāбат кылур (Навоий, МН).
2. Олмош билан: Ва аны| васийатнāмаларыны муталаа ккылыб, ул дастур билў амал кылурга мўртўкиб болды (Навоий, ТМА).
3. Харакат номи билан: Йана ишк атварыда ким, ашк ва йыгламак мукабаласыда аху ысыг дам умдадур (Навоий, МЛ).
4. Сифатдош билан: Ва алар мўзкўр болганларны| кўпин туркча айтурлар (МЛ).
Эски ўзбек тилида хам караткич аникловчилар белгисиз кўлланган. Белгисиз караткич, асосан, от ва олмошлар билан ифодаланган: Ва эл файзы учун вазн силкигў назм бермўк (МК). Муаммā фаныда хам рисāла битибдр (Навоий, МН).

Хол. Хол хам гапнинг таркибий ва узвий бўлакларидан бўлган иккинчи даражали бўлакдир. Хозирги ўзбек тили синтаксисига оид ишларда холнинг маъно турларини белгилашда турлича таснифлар мавжуд. Ф.Убаева ўрин, сабаб, пайт, мақсад, натижа, миқдор, тартиб, биргалик-ёлгизлик, равиш, ўхшатиш, шарт, тўсиксизлик, инкор холларини фарклайди (Убаева Ф. Хол категорияси.Т., 1971, 19-б). Бу таснифдаги натижа холи сабаб холининг бир маъно гурухи, тартиб ва биргалик, ўхшатиш холлари эса равиш холининг бир маъно гурухи эканлигини хисобга олинса, анъанавий холнинг маъно таснифи ўзининг илмий кимматини йўкотмаганлигини сезиш кийин эмас.

Эски ўзбек тилида хам холнинг куйидаги маъно турлари кўлланган:

Ўрин холи. Ўрин холи хозирги ўзбек тилидагидек, келишликли ва кўмакчили шакллар билан ифода килинган: Кубād Румга черик тартыб, музаффар ва мансур йанды (Навоий, ТМА). Ул Табаристāн сары тартыб урушмады (Навоий, ТМА).

Пайт холи. Пайт холлари асосан пайт равишлари билан ифодаланган: Эмди сЎзни! аслыга шуруъ кылалы (Навоий, МК). Ва хамеша фақыр мусъахыб эрди (Навоий, МН). Равиш холи. Бу бўлак учун холат равиши морфологик ашёдир: Гайыбана шатранжны хуб ойнар (Навоий, МН). Ва касиданы пухта айтур (МН).

Худди хозирги ўзбек тилидагидек, сифат билан ҳам ифодаланади: Кāфийасыны йахшы айтмайдур эрди (МН).

Сабаб холи. Сабаб холи учун махсуслашган сўз туркуми йўк. Бундай холлар иш-харакатнинг, кенгрок маънода белгининг мавкеъига нисбатан бошка сўз шаклларининг тутган мавкеъидан, яъни предикатга нисбатан сабаб муносабатини билдирган сўз шакли ва ибораларнинг мавкеъидан белгиланади. Сабаб холи ҳам келишликли ва кўмакчили шакллар билан ифода қилинади: Алар вахмдын ул тифлни бир қыйматый нимЎгЎ чирмЎб, ул чāх башыда койуб качтылар (Навоий, ТМА). Ул халāйык таажжуб й̄зидин андын ул хāl кЎйфийЎтин сорубтурлар (Навоий, НМ).

Максад холи. Максад холларининг ҳам келишликли ва кўмакчили шакллари мавжуд: Шикāятга бу фақыр кашыга келдилЎр (МН). Илм тахсили учун шахрга келибтур (МН).

Даржа-микдор холи. Маълумки, бундай хол учун даража-микдор равиши ифода ашёси бўлиб хизмат қилади, лекин сифат ва бошка сўз туркумлари ҳам даража-микдор холи мавкеъида келган: Табъи асру хуб вāкеъ болубтур (МН). Газал кЎпрЎк айтур (МН). Хулоса қилиб айтиш мумкинки, гап бўлакларининг таркибий ва маъно хусусиятларида хозирги ўзбек адбий тилига ўхшаш ва яқин турадиган ўринлар анчагина. Бу, ўз навбатида, хозирги ўзбек адабий тили синтаксиси эски ўзбек тили синтаксисининг бевосита давоми эканлигини кўрсатиб туради.

Савол ва топшириқлар

1. Тенг ва тобе бирикмаларга Алишер Навоий асарларидан 10 та мисол ёзинг.
2. Гап бўлакларининг хар бирига учтадан мисол ёзинг.
3. Эски ўзбек тили синтаксиси билан хозирги ўзбек тили синтаксиси ўртасида қандай фарқли томонлар мавжуд?

Таянч тушунчалар:

Синтаксис – гап, гап бўлаклари, сўз бирикмалари ҳақидаги билимларни акс эттирувчи грамматиканинг бир бўлими.

Гап – предикативлик ва интонацион жихатдан шаклланган нутқ ва тил бирлиги.

Сўз бирикмаси – камида иккита мустақил сўзнинг грамматик алоқасини орқали мураккаб мазмунни ифодаловчи синтактик ходиса.